

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖАНАЗАРОВА РАЙГУЛ МУРАТБАЕВНА

**КВАНТ ФИЗИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИКАНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хожаназарова Райгул Муратбаевна

Квант физикасини ривожлантиришда оптиканинг туган ўрни ва уни
узлуксиз таълим тизимида ўқитиш методикаси 3

Хожаназарова Райгул Муратбаевна

Место оптики в развитии квантовой физики и методика её
преподавания в системе непрерывного образования 23

Khojanazarova Raygul Muratbayevna

The place of optics in the development of quantum physics and the
methodology of its teaching in the system of continuous education 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖАНАЗАРОВА РАЙГУЛ МУРАТБАЕВНА

**КВАНТ ФИЗИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИКАНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Ped1578 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джораев Махматрасулжон
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбонов Мирзааҳмад
педагогика фанлари доктори, профессор

Жўраев Хусниддин Олтинбойевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» XI соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» XI куни тарқатилди.
(2022 йил «10» XI да 44 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги замон физикасининг асосий соҳаси бўлган квант оптикани кенг миқёсида фойдаланилаётган лазерлар, ҳатто айрим фотонларни қайд қилиш имконини берувчи детекторларда, инсоният ҳаётидаги фан ва техникада муҳим ўрин эгаллайди. Оптика бўйича тадқиқотларнинг теранлиги жиҳозларнинг аниқлик даражасини ва сезгирлигини оширди, натижада квант физикаси, гравитацион тўлқинлар, элементар зарралар физикаси, астрофизика ва замонавий физика фанининг турли илғор соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди. Энг аниқ сезгир бўлган оптик ўлчаш усуллари ва компьютерларнинг ривожланиши туфайли интеграллашган оптикада тасвирни қайта ишлашнинг кўплаб имкониятлари ва воситалари юзага келди. Шундай экан, квант физикасини ривожлантириш, бунинг учун узлуксиз таълим тизимида оптикани ўқитиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда физика фанини ўқитишнинг самарадорлигини янада такомиллаштириш, оптика ва у билан бевосита боғлиқ бўлган бўлимларини ўқитиш педагогика илмининг олдига янги масалаларни қўяди. Шу каби вазифаларни ҳал этишда билим бериш жараёнини янги талаблар асосида ташкиллаштириш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини доимий назорат қилиш, ўқув жараёнининг дидактик ва методик имкониятларини тўла ишлаб чиқиш олдинги ўринга чиқади. Шу талаблар асосида узлуксиз таълим тизимида бўлғуси физика ўқитувчиларининг қобилиятларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида бутунлай янги воситалардан фойдаланиш, физиканинг бўлимларини ўқитишда фундаментал қонуниятларни ўзлаштиришнинг изчиллик механизмларини ишлаб чиқиш долзарб педагогик муаммолар ҳисобланади.

Мамлакатимизда олий таълимни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош ва ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, таълимнинг барча босқичларини ривожлантиришнинг йўналишларини аниқлаш зарур. Ўзбекистонда илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси¹ қабул қилинди. Бу концепцияда таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг барча ўқув дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш белгиланган.

«Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, ИТ, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди», - деган эди Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев.² Бу эса, ўз навбатида

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2020 й., 06/20/6097/1431-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон//.

узлуксиз таълим тизимида физика ўрганишнинг аҳамиятини янги поғонага кўтаради ва мутахассислар олдида таълимнинг барча босқичларида физикани ўқитишда, унинг бўлимлари орасидаги изчилликни ва тизимлиликни таъминлашга асосланган устувор тизимни пайдо қилади. «Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз».³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, 2021 йил 19 мартдаги «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5032-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Физика фанини ўқитишда изчиллик тамойилини амалга ошириш бўйича ва унинг турли бўлимларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан республикамизда физик-педагог олимлар М.Джораев, М.Қурбонов, Б.Н.Нуриллаев, И.О.Зохидов, С.Қ.Қаҳҳоров, Н.Матжанов, Э.Б.Хужановлар томонидан методик тавсиялар берилган, ҳар хил усуллар ишлаб чиқилган. Физикани ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари Х.М.Махмудова, Б.Сатторова, О.Тигай, Г.А.Умароваларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Хорижий методист олимларнинг (PER), жумладан, Вашингтон университетининг физика факультетида профессорлар Paula R.L.Heron, Peter S. Shaffer, Шимолий Каролина штати университетининг профессорлари Robert Weichner, Redish Edward F, Россия олимлари А.А.Пинский, Б.М.Яворский, В.В.Мултановский, А.В.Усова, Г.А.Клековкин, Ю.А.Кустов, А.Н.Матвеев, Г.С. Ландсберглар, шунингдек кўшни республика олимларидан Э.Мамбетакунов, Н.О.Маткеримов, А.Э.Байсеркеев, Ю.Г.Махмудов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳозирги илмий-техник жараён шароитида физикани ўқитиш методикасининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси /2020 йил 29 декабрь/ "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 30 декабрь сони №276 (7778). б.1-2.

³ Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» Тошкент-2021. Б.11.

Диссертация иши узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муаммолари доирасида амалга оширилди. Бу ерда талабаларнинг оптика ва квант физика бўлимларида ўрганилган ёруғликнинг квант табиати ҳақидаги билимларини ривожлантириш масаласини ечиш учун изчиллик тамойилидан фойдаланиш таклиф этилди. Бу тадқиқот ўз мақсади ва вазифаларига кўра физикани ўқитиш методикаси соҳасидаги дастлабки илмий-тадқиқот иши ҳисобланади.

Физиканинг турли бўлимлари кўплаб методист олимлар томонидан ўрганилган бўлсада, илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим босқичида квант физикаси, оптика ва бошқа назарий ва умумий физиканинг турли бўлимларини ўқитишда изчиллик тамойили асосида замонавий педагогик ўқитиш усуллари такомиллаштириш методикаси етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-2-77 «Моделлаштириш асосида ички нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда ярим ўтказгичли асбобларнинг ишончлигини башорат қилишнинг такомиллаштириш усули» (2016–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади квант физикасини ривожлантиришда оптиканинг тутган ўрни ва уни узлуксиз таълим тизимида ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

узлуксиз таълим тизимида оптика ва ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик компонентларини очиб бериш;
интегратив ёндашув асосида ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришда изчилликни таъминлашнинг самарали механизмларидан фойдаланиш;

оптика ва квант физика бўлимларини ўқитишнинг методик жараёнларини такомиллаштиришнинг интерфаол усуллари ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг тўлақонли методик тизимини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида квант физикасини ривожлантиришда оптиканинг тутган ўрни ва уни узлуксиз таълим тизимида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Гулистон давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети 582 нафар талабалар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети – квант физикасини ривожлантиришда оптиканинг тутган ўрни ва уни узлуксиз таълим тизимида ўқитиш мазмуни, шакл, метод ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, узлуксиз таълим муассасаларида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, тест, суҳбат, кузатиш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, ойдinлаштириш, математиклаштириш, Python дастурлаш тили ва Mathematica алгебра компьютер

системасида физик жараёнларни моделлаштириш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик ва корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

физика фанини ўқитишда оптика ва ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик компонентлари тизимлилик ва изчиллик тамойиллари асосида онгли ўқув фаолиятини фаоллаштириш элементларининг устуворлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

оптика ва квант физикасига оид статистик тасавурларни шакллантириш методикаси спиралсимон ривожланиш тамойили асосида ноаниқликлар муносабати (Рэлей-Джинс ва Планк формулалари, Луи де Бройль тўлқин узунлиги, Виннинг силжиш қонуни, Комптон эффекти, Майкельсон интерферометри, корпускуляр-тўлқин дуализми, ёруғлик квантлари) бўйича ўқув элементларининг алоқадорлигига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминоти таълим беришнинг яхлитлик, давомийлик, педагогик башорат қилиш, узлуксиз таълим тизимининг динамиклиги тамойилларига кўра илмий билиш ва амалий фаолият интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

оптика ва ёруғликнинг квант тасавурлари бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган таълим жараёни дифференциал, интеграл, мавҳум алгебра ва симуляция моделлаштириш топология усуллари асосида Python дастурлаш тили ва Mathematica алгебра компьютер системасида моделлаштириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришга доир методик кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўқув модули тузилмаси ва ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришда локал-модулли технологиясидан фойдаланиш бўйича тавсиялар такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг квант тасавурларини шакллантириш ва ривожлантиришга доир моделлаштириш машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методлар, фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги билан боғлиқ. Келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик методлар ва корреляцион-регрессион таҳлил ёрдамида тасдиқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти таълим муҳитида ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантиришнинг психологик-педагогик моҳиятини очиб берилганлиги, назарий-фундаментал асосда кенгайтирилганлиги, узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантиришга доир концептуал ёндашувлар ва устувор йўналишларнинг аниқланганлиги, ёруғликнинг квант хоссаларини ўрганиш, зарраларнинг корпускуляр-тўлқин дуализми, квант назариясининг айрим татбиқларини кетма-кетликда ўқитиш алгоритмининг аниқлаштирилганлиги, квант физика курсини Python дастурлаш тили ва Mathematica алгебра компьютер системасида моделлаштирилиб тўлақонли шакллантириш мумкин бўлган фундаментал мавзулари, тажрибалари ва тушунчаларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти физикадан интерфаол дастурлаш воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилганлиги, узлуксиз таълим тизимида квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришни такомиллаштиришга хизмат қилиши, компьютер тажрибалар тўплами, физикага оид ахборот-таълим муҳитининг яратилганлиги, узлуксиз таълим тизимида квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари асосида «Vodorod atomi'ni'n' kvantli'q teoriyasi» (Нукус, 2015 й.), «Optika hám atomliq fizika boyinsha laboratoriya jumislari» (Тошкент, 2017 й.), «Fizika iliminiń tariyxı menen xronologiyası» (Нукус, 2019 й.), «Atom fizikasi» (Нукус, 2022 й.) ўқув-методик ва ўқув қўлланмаларининг қорақалпоқ тилида яратилганлиги билан асосланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан физика фани ўқитувчиларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физика фанининг “Оптика” бўлими ва ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олинган илмий-методик натижалар асосида:

физика фанини ўқитишда оптика ва ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик компонентларини тизимлилик ва изчиллик тамойиллари асосида ўқув материалларини туғри тақсимлаш ва онгли ўқув фаолиятини фаоллаштириш элементларининг устуворлигини таъминлаш орқали аниқлаштиришга доир таклифлар «Optika hám atomliq fizika boyinsha laboratoriya jumislari» ўқув қўлланмасининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғи, 434-248-рақамли гувоҳнома). Натижада оптика ва квант физика бўлимларини ўқитишнинг методик жараёнларини такомиллаштиришнинг интерфаол усулларини ишлаб чиқишга эришилган;

оптика ва квант физикасига оид статистик тасаввурларни шакллантириш методикасини спиралсимон ривожланиш тамойили асосида ноаниқликлар муносабати (Рэлей-Джинс ва Планк формулалари, Луи де Бройль тўлқин узунлиги, Виннинг силжиш қонуни, Комптон эффекти, Майкельсон интерферометри, корпускуляр-тўлқин дуализми, ёруғлик квантлари) бўйича ўқув элементларининг алоқадорлигига устуворлик бериш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Қорақалпоқ давлат университетининг ОТ-Ф-2-77 “Моделлаштириш асосида ички нуқсонларни

ҳисобга олган ҳолда ярим ўтказгичли асбобларнинг ишончилигини башорат қилишнинг такомиллаштириш усули” номли лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 13 апрелдаги 02-07-1024/04-сон далолатномаси) Натижада интегратив ёндашув асосида ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришда изчилликни таъминлаш самарадорлиги ошган;

олий таълим тизимида ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминоти ва таълим жараёни таълим беришнинг яхлитлик, давомийлик, педагогик башорат қилиш, узлуксиз таълим тизимининг динамиклиги тамойиллари асосида илмий билиш ва амалий фаолият интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан ЎзРФА Ядро физикаси институти қошидаги АМ-ПЗ-2019062031 рақамли “Ядро энергетикаси”, “Ядро медицинаси ва технологияси”, “Радиацион медицина ва технология” фанлари бўйича бакалавр ва магистрлар учун мультимедиали дарсликларни яратиш” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 13 апрелдаги 02-07-1024/04-сон далолатномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар талабалар билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжумонларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган ва 2 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 166 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Узлуксиз таълим тизимида оптика бўлимини ўқитишнинг методологик ва дидактик асослари» деб номланган биринчи бобида узлуксиз таълим тизимида оптиканинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, ўқитишда методик режалаштиришни ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш ва бу жараённинг самарадорлигини таъминловчи таълим сифатини такомиллаштириш, оптиканинг квант тасаввурлари пайдо бўлиши ва ривожланиши, узлуксиз таълим тизимида унинг ўқитилиш ҳолати масалалари, оптика ва квант физикасини изчиллик асосида ўқитишнинг илмий-услубий таҳлили ёритилган.

Узлуксиз таълим тизимида оптика ва квант физика курси дастурларини таҳлил қилиш ва таққослаш натижасида биз, уларнинг таркиби ва асосий функциялари ўхшаш, аммо ўқув материалларининг мазмуни таълим босқичлари бўйича изчил мураккаблашишини кўрамиз. Талабалар томонидан ўрганиладиган физика курсининг хусусиятларидан келиб чиқиб, физиканинг аксарият тушунчалари, қонунлари ва назариялари билан улар умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида физика курсларида танишган. Шунинг учун, олий таълим тизимида уларга таниш бўлган далиллар, ҳодисалар ва қонуниятлар чуқур ва кенгайтирилган ҳолда баён қилиниши керак.

Олий таълим муассасаси талабасида бўлажак ўқитувчи сифатида ҳар хил методик масалаларни қандай ҳал қилиш кераклигини шакллантириш зарур. Тадқиқот натижаларига кўра, оптика ва квант физика ўқув материалларининг Виннинг силжиш қонуни, Рэлей-Джинс ва Планк формулалари, Луи Де Бройль тўлқин узунлиги, Комптон эффекти, Майкельсон интерферометри, корпускуляр-тўлқин дуализми, ёруғлик квантлари назариясининг баъзи татбиқлари каби мавзуларни изчиллик тамойили асосида ўқитиш кераклиги асосланган.

Mathematica алгебра компьютер системаси ва Python дастурлаш тилида ўрганилаётган физик ҳодисаларнинг фундаментал мавзуларини, тажрибалари, тушунчаларини, ҳар хил физик доимийлар ва катталиклар орасидаги функционал боғлиқлигини график тарзда ифодалаш, дифференциал тенгламаларни ечиш ва уларни тасаввур қилиш, визуал кўринишини ошириш тўлақонли шакллантирилди. Мавзуларни замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилди.

Оптикани ўрганишнинг муҳим методологик муаммолари сифатида ёруғлик тарихи тўғрисидаги таълимот, квант назарияси асосий тушунчаларининг аҳамияти, оламнинг физик манзарасида квант тасаввурларининг роли, ёруғликнинг квант табиати, электромагнит майдоннинг квант таркиби, корпускуляр ва тўлқин хоссаларининг диалектик бирлигини ифодалаш каби тушунчалар берилган.

Ёруғликнинг табиатига таълуқли таълимотнинг ривожланиши – билиш жараёнининг диалектик тавсифга эга эканлигига яққол мисол бўлади, буни қуйидаги 1-жадвалда кўрсатиш мумкин, унда оламнинг физик манзараси (ОФМ) ҳамда уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унга мос даврлар билан назарияларни яратувчилар келтирилган.

ОФМ ривожланиш босқичлари	Ёруғлик таълимотининг ривожланиш босқичлари	Корпускуляр назария		Тўлқин назария	
		Йил лар	Олимлар исми-шарифи	Йил лар	Олимлар исми-шарифи
-	Назариянинг пайдо бўлиши	1675	Ньютон	1678	Гюйгенс
ОММ	Оламнинг корпускуляр ва тўлқин назарияларнинг мавжудлиги	1813	Д.Био, П.С.Лаплас	1756 1769 1802	М.Ломоносов Л.Эйлер Т.Юнг
-	Тўлқин назариянинг устунлиги	-	-	1815 - 1821 1871	О.Френель Д. Максвелл
ОЭДМ	Квант назариянинг пайдо бўлиши	1900 1905 - 1907 1913	М.Планк А.Эйнштейн Н.Бор	-	-
ОКММ	Корпускуляр- тўлқин тасаввурлар- нинг бирлиги	1924 1926 - 1930	Л. Де Бройль Э.Шредингер В.Гейзенберг П.А.Дирак ва.х	-	-

Ёруғлик тўғрисидаги таълимотнинг ривожланиши диалектик билишнинг тавсифига яққол мисол ҳисобланади. Ушбу асосда ўқувчиларга шуни тушунтириш керакки, бир-бирига қарама-қарши қўйилган тўлқин ва корпускулалар хоссалари ўзаро диалектик боғлиқ эканлиги квант назарияда аён бўлди. Ушбу назарияларнинг ҳар бири умуман тўғри, аммо ёруғлик ҳодисаларининг объектив хоссаларини чала акс эттирар эди, бу нарса кейинчалик корпускуляр-тўлқин хоссалар асосида намоён бўлди ва ёруғлик табиати тўғрисидаги ўқувчиларнинг билимларини қуйидагича тизимлаштиришга олиб келди:

Ёруғлик – материянинг бир туридир. У электромагнит майдон бўлиб, тўлқин узунлиги 500 нм атрофида. Электромагнит майдон фотонлардан иборат зарралардир.

Ёруғликнинг электромагнит табиати шу билан боғланганки, нурланиш, ютилиш ва бошқа хоссалар фотонларни модда зарядланган зарралари билан ўзаро таъсири орқали аниқланади.


Ҳар қандай моддий объект қатори, ёруғлик корпускуляр ва тўлқин хоссаларга эгадир. Нурланишнинг таркибига ва ташқи шартларга боғлиқ ҳолда ё тўлқин хосса ёки корпускуляр (квант) хосса яққол намоён бўлади, бошқача айтганда, фотон ё зарра оқими, ёки ўтказилаётган тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб тўлқин бўлиб квант назарияси тилида тўлоқонли баён қилиниши мумкин.

Уч юз йил давомида ёруғликнинг табиатига қарашли тўлқин ва корпускуляр хоссаларнинг параллел ривожланиши тасодифий эмас, улар параллел ривожланиб келган.

Тўлқин ва корпускуляр назариялар – бир-бирини тўлдирадиган физик ҳодисаларни классик ва квант физика асосида баён қилиш усулидир.

Квант назариясининг асосида уларни қарама-қарши қўйиш эмас, балки корпускуляр ва тўлқин хоссаларнинг диалектик бирлиги натижасида оптик ҳодисаларни адекват ифодалаш ётади.

Олий таълим тизимида умумий ва назарий физика бўлимларини ўқитиш жараёнида ёруғликнинг квант тушунчасининг ривожланишини компьютер тажрибаси ёрдамида классик ва квант қонунларининг қўлланилиш чегаралари аниқ кўрсатилди (масалан, Планк, Вин ва Рэлей-Джинс формулалари, 1-расм). Чунки бу тушунча талабаларда замонавий кенг илмий дунёқарашини шакллантиришда ва квант физикаси ҳақидаги тасаввурларга эга булишида алоҳида ўрин тутади.



1-расм.

Mathematica универсал компьютер алгебра системасининг ёрдамида Рэлей-Джинс (яшил), Планк (кўк) ва Вин (тўқ сарик) формулалари бўйича чизилган графиклар


Муаммони ўрганишга доир илмий адабиётлар таҳлилига кўра, оптика ва квант физикасининг ривожланишида мазмуни ёритилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг камлиги (қорақалпоқ тилида), бўлимнинг кўпгина фундаментал масалаларини баён қилишда илмий асосланган методикаси ишлаб чиқилмаганлиги, оптика ва назарий физиканинг квант механика бўлими билан изчилликнинг амалга оширилмаслиги, квант физикасининг методологик масалаларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги аниқланди.

Диссертацияда узлуксиз таълим тизимида оптика ва квант физикасини ривожлантиришдаги эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчалар асосида шакллантириш ҳамда мазмунан такомиллаштириш учун педагогик назариянинг ёруғликнинг квант тасаввурлари ва уларни ривожлантириш тамойили, оптика ва квант физика бўлимларини ўқитишнинг узлуксизлиги, изчиллик ва мунтазамлик тамойили, ёруғликнинг квант тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг индивидуал ва психологик жиҳатларини ҳисобга олиш тамойили, таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини мақсадли йўналтириш, уларда мустақил фикрлашни шакллантириш қоидалари ва тамойилларига таянилди.

Диссертациянинг “**Квант физиканинг пайдо бўлиши ва ривожланишини изчиллик тамойили асосида шакллантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида узлуксиз таълим тизимида квант тасаввурларни ўқитишнинг

аҳамияти ва шакллантиришнинг хусусиятлари, квант физикасини ўқитишда тизимлилик ва изчилликни амалга ошириш, инновацион педагогик технологияларни қўллаш методикаси ўз ифодасини топган.

2 - расмда узлуксиз таълим тизимида квант физикасини ривожлантиришда оптика тушунчаларини изчиллик тамойили асосида шакллантириш ва такомиллаштиришнинг дидактик моделини тақдим этдик.



2-расм. Квант физикасини ривожлантиришда оптиканинг тушунчаларини изчиллик тамойили асосида шакллантириш ва такомиллаштиришнинг дидактик модели

Физика илмининг бошқа табиатшунослик илмларининг орасида бир қатор ўзгачаликларга эга эканлиги белгили. Бу ҳолат физика бўйича билим бериш жараёнида унинг статусини юқорилатади. Шу ўзгачаликларнинг айримларини айтиб ўтамиз:

физика илмининг тадқиқот объекти, бутуни билан олинган Олам бўлиб топилади, бу ҳолат ҳар хил системалар билан ҳодисаларни комплекс турда тадқиқот қилишга, инсонни ўраб турган дунёнинг бирлигини, кўп турлигини ҳар томонлама очиб кўрсатишга мумкинчилик беради;

физика бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳамма техниканинг асосида туради ва бу соҳалардаги муваффақиятларнинг ҳаммаси физиканинг ривожланиши билан тўғридан тўғри боғлиқ;

физикани ўрганиш давомида билим бериш жараёнининг субъектларида, ўз ичига фазо билан вақтни, диалектик методологиянинг мантиқини, тушунчаларини, табиат ҳодисалари билан жараёнларининг маъносига теран кириш йўли билан рационал ва тизимли ўйлашни ривожлантиради.

Қуйидаги жадвалда узлуксиз таълим тизимида оптикани изчиллик тамойилидан фойдаланиб ўқитишнинг илмий-методик қарашлар асосида таҳлил қилиш масаласи келтирилган.


2-жадвал. Узлуксиз таълим тизимида оптика ва квант физикага тегишли узвийлик

Умум таълим мактаб	Академик лицей	Олий ўқув юрти
<p align="center"><i>6-синф</i></p> <p>Ёруғликнинг табиий ва сунъий манбалари. Ёруғликнинг тўғри чизик бўйлаб тарқалиши. Соя ва ярим соя. Қуёш ва Ой тутилиши. Ёруғликнинг тезлиги. Ёруғ-ликнинг қайтиши ва синиши. Ёруғлик ҳодисалари ҳақида Беруний ва Ибн Сино фикрлари. Ясси кўзгу. Линзалар ҳақида тушунча. Шиша призмага ёруғликнинг таркибий қисм-ларга ажралиши. Камалак. Ясси кўзгу ёрдамида ёруғликнинг қайтишини ўрганиш. Шиша призма ёрдамида ёруғликнинг спектрга ажралишини ўрганиш.</p> <p><i>9-синфда</i> Ёруғлик тезлигини аниқлаш. Ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари. Тўла ишки қайтиш. Шишанинг нур синдириш кўрсаткичини аниқ-лаш. Линзалар. Юпқа линза ёрдамида тасвир ясаш. Линзанинг оптик кучини аниқлаш. Оптик асбоблар. Гелиотехника. Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш</p> <p><i>11-синф.</i> Ёруғликнинг интерференцияси ва дифракцияси. Дифракцион панжара ёрдамида ёруғликнинг тўлқин узунлигини аниқлаш. Ёруғлик дисперсияси. Спектрал анализ. Ёруғликнинг қутбланиши. Инфрақизил нур-ланиш. Ультрабинафша нур-ланиш. Рентген нурланиш ва унинг татбиқи. Ёруғлик оқими. Ёруғлик кучи. Ёритилганлик қонуни. Ёритилганликнинг ёруғ-лик кучига боғлиқлиги. Бундан кейин квант физикаси. Квант физикасининг пайдо бўлиши. Фотоэлектрик эффект. Фотонлар. Фотоннинг импульси. Ёруғлик босими. Фотоэффектнинг техникада қўлланилиши.</p>	<p align="center"><i>2-курслар оптика</i></p> <p>Ёруғлик ҳақидаги таълимот-нинг ривожланиши. Ёруғликнинг электромагнит табиати. Ёруғликнинг тезли-ги. Ёруғликнинг характеристикалари. Фотометрия элементлари. Ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари. Тўла қайтиш. Линзалар. Юпқа линза формуласи. Ёруғликнинг тўлқин назарияси. Гюйгенс принципи. Ёруғлик интерференцияси. Ёруғлик интерференциясини кузатиш усуллари. Ёруғлик интерференциясидан фойдаланиш. Ёруғлик дифракцияси. Параллел нурлар дастасининг якка тирқишдаги диф-ракцияси. Дифракцион пан-жара. Дифракциядан фойда-ланиш. Голография ҳақида тушунча. Ёруғликнинг қутбланиши. Қутблагичлар. Ёруғлик дисперсияси. Нурланиш ва ютилиш спектрлари. Спектрал анализ. Электромагнит тўлқинлар шкаласи. Инфрақизил ва ультрабинафша нурлар. Рентген нурлари.</p> <p align="center"><i>2-курслар. Квант физикаси</i></p> <p>Квант оптикаси элементлари. Иссиқликдан нурланиш. Иссиқликдан нурланиш қонунлари. Рэлей-Джинс қонуни. Планк гипотезаси. Фотоэффект ҳодисаси. Фотоэффектнинг қўлланилиши. Ёруғликнинг босими. Ёруғликнинг кимёвий таъсири. Люминесценсия. Ёруғликнинг корпускуляр-тўлқин дуализми.</p>	<p>Оптика фанининг ривожланиш тарихига кириш. Электромагнит тўлқинлар. Электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши, синиши ва қайтиши. Ёруғликнинг интерференцияси. Ёруғликнинг дифракцияси. Ёруғликнинг қутбланиши ва кристаллар оптикаси. Иссиқлик нурланиши. Ёруғликнинг сочилиши, молекуляр ва спектрал анализ. Магнитооптика ва электрооптика.</p> <p align="center"><i>Намунавий ўқув дастурида амалий дарсларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар билан таклифларни қуйидагидек мавзуларнинг ўтилиши назарда тутилган:</i></p> <p>Геометрик оптика, линзалар билан призмалардаги ёруғликнинг йўли, тасвирларни ҳосил қилиш, линзаларнинг оптик кучи, ёруғликнинг қайтиши ва синиш қонунлари. Фотометрик катталиклар. Ёруғлик кучи, ёритилганлик, ёруғлик оқими</p>

Шунинг билан бир қаторда мактаблар, академик лицейлар билан университетлар учун таклиф этиладиган мавзуларни солиштириш, билим бериш жараёнида тизимлилик ва изчиллик тамойилидан тўла фойдаланишнинг мумкин эканлигини, шу тамойилнинг ёрдамида бўлажак физика ўқитувчиларининг оптика бўйича туташ ва системага туширилган билимни олишлари мумкин эканлигини аниқ кўрсатади (2-жадвал).

Юқорида келтирилган рўйхатнинг энг ўзгачалик томони ҳозирги кунлардаги илмий ривожланишларни ҳисобга олган ҳолда энг асосий аҳамиятли экспериментал фактлар билан физикавий ҳодисаларнинг назарияларининг асосларини баёнлашнинг кўп даражали концепцияси бўлиб топилади. Шунинг билан бирга, ўрта билим берадиган ўқув юртларда олинган билимларни узлуксиз турда чуқурлаштиришга мумкинчилик беради. Физиканинг ҳар хил бўлимлари орасидаги зич диалектик нисбатнинг ўрин олишини аниқ англаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, иссиқлик нурланиш ҳодисаларидан атом физикаси билан квант механикадаги энергиянинг квантланиш ҳодисаси билан дискретликга, ёруғликнинг жисмлар билан таъсирлашиш ҳодисасидан корпускуляр тўлқин дуализмга, ёруғликнинг қайтиш ҳодисасидан микрозаррачаларнинг потенциал зинадаги қайтиш ҳодисасига, корпускуляр нуқтаи назардан ёруғликнинг ёки микрозаррачаларнинг интерференцияси билан дифракцияси ҳодисаларига кетма кет ўтишида муҳим ўрин тутаяди.

Планк ва Рэлей-Джинс формулаларидан фойдаланиб оптика бўлимида квант ва классик қонунларнинг орасидаги чегарани баҳолаш учун эксперимент ўтказилди.




3- расм.

Планк ва Рэлей-Джинс формулалари ёрдамида $T = 3000 \text{ K}$ учун $u(\lambda, T)$ функциясининг тўлқин узунлиги λ га боғлиқлигини тасвирлайдиган график

Биз ўтказган педагогик тажрибалар, бу ҳолатнинг квант физиканинг асосларидан билим беришнинг барча босқичларида фақатгина назарий ёндашув эмас, аммо кўп сонли тажрибада (шунинг ичида компьютер тажрибаларда) олинган маълумотлардан фойдаланиш орқали ҳар томонлама ўрганишга олиб келишини кўрсатади. Демак, юқорида баён этилган компьютер эксперимент классик ва квант қонуниятларнинг қўлланилиш чегаралари ҳақидаги кўргазмалар турдаги қарашларни пайдо қилади. Олинган сонли маълумотлар талабаларга яъни бўлажак ўқитувчиларга квант жараёнларнинг маъносини теран тушунишига мумкинчилик беради.

Ўтказмайдиган деворларга эга потенциал ўрадаги заррачанинг энергияси учун Рэлей-Джинс қонунининг $u(\omega, T) = \frac{kT}{\pi^2 c^3} \omega^2$ формуласига ўхшаш бўлган


$E_n = \frac{\hbar^2}{2mv^2} n^2$ формуласи (v орқали заррачанинг тезлиги белгиланган) олинади. Рэлей-Джинс қонунидаги "ультрабинафша катастрофанинг" пайдо бўлиш сабабини тушунтира олади.




4- расм. $E_n = \frac{\hbar^2}{2mv^2} \omega^2$ ва $u(\omega, T) = \frac{kT}{\pi^2 c^3} \omega^2$ чамаларининг частота ω га боғлиқлиги

Демак, компьютер экспериментлар берган натижаларни мос талқин қилиш ёрдамида бирданига учта ҳодисани кўрсатиш мумкин экан: 1. Рэлей-Джинснинг классик нурланиш қонуни; 2. Ўтказмайдиган деворларга эга бўлган потенциал ўрадаги микрзаррачанинг квант ҳаракати; 3. Қаттиқ жисмларнинг кристал панжаранинг коллективлик тебранишлари.

Таҷрибаларда, физик жараёнларни моделлаштирганда фақат битта Mathematica компьютер алгебра тизимидан фойдаланиб қўймай, кўп сонли талабаларнинг ҳозирги вақтларда кенг тарқалган юқори даражали Python дастурлаш тилининг ўзига хос абзаллиги графика учун жуда қўлай бўлган воситаларига қизиқиши борлиги кўринди.




5-расм. Интерференцион расм



6-расм. Ойналарнинг бирини катта бўлмаган бурчакга бурганда пайдо бўладиган интерференцион чизиқлар

Оқ ёруғликдан фойдаланганда спектрда интенсивлиги ҳар хил бўлган тўлқинларнинг бор бўлиши сабабли интерференцион чизиқларнинг кенгайиши ўрин олади.



7-расм. Монохромат (пунктир чизик) ва полихромат ёруғлик (туташ чизик) учун олинган интерференцион чизиқнинг профили. φ нинг кийматлари радианларда берилган. Юқоридаги ўнг томондаги бурчакда кўрсатилган график 0,12 дан 0,31 рад интервалига мос келади


Майкельсон интерферометрини фойдаланишда олинган натижалар бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Майкельсон интерферометри оддий интерференцион эффектларни намоиш қилиш учун универсал ва қўлай асбоб бўлиб ҳисобланади.

Маъруза, амалий дарсларнинг ёки талабалар билан индивидуал бирга ишлаш давомида компьютер алгебра ёки умумий дастурлаш тили бўлган Python дан фойдаланиш орқали интерференцион ҳодисаларни тадқиқот қилиш бўйича компьютер тажрибаларини ўтказиш ўрганилиб физик жараёнларнинг (биздаги ҳолатда интерференция билан дифракция ҳодисаларининг) қийматига чуқур киришга ва дарсда юқори даражадаги ўзлаштирувига олиб келади.

Физик практикум билан бир қаторда компьютерда экспериментларни ҳам ўтказиш таклиф қилинади. Бундай ҳолатда экспериментларнинг параметрларини кенг интервалда ўзгартириш мумкинчилиги туғилади.

Биз потенциал бўсаға областидаги заррачанинг ҳаракатининг оптикавий аналогини демонстрация қилиш учун компьютерда эксперимент ўтказишнинг илмий-методик масаласини кўриб чиқамиз.



8-расм. Тўлиқ ички қайтиш ҳодисасини компьютерда моделлаштиришнинг натижалари

8-расмда келтирилган натижаларни намоиш қилишда талабаларга ёруғликнинг оптик зичлиги катта бўлган муҳитдан оптик зичлиги кичик бўлган

муҳитга ўткандаги ўтиш чуқурлиги ҳақидаги маълумотларни бериш мақсадга мувофиқ келади.

